



КАР ВА ЗАИФ ЭШИТУВЧИ 5-7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЛОЙИХА МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Фозилов Б.З.

Анджсон давлат университети докторанти

Таянч сўзлар: кар ва заиф эшитувчи болалар, фуқаролик компетенция, метод, технологиялар, дидактик воситалар, лойиҳа методи, мотивация.

Ключевые слова: глухие и слабослышащие дети, гражданская компетентность, метод, технология, дидактические средства, метод проекта, мотивация.

Key words: deaf and hard of hearing children, civic competence, method, technology, didactic tools, project method, motivation.

Резюме: Ушбу мақолада кар ва заиф эшитувчи 5-7-синф ўқувчиларининг фуқаролик компетенциясини шакллантиришда лойиҳа методидан фойдаланиш йўллари ҳақида маълумотлар ёритиб берилган

Резюме: В данной статье освещается информация о способах использования проектного метода в формировании гражданской компетентности глухих и слабослышащих учащихся 5-7 классов

Summary: This article highlights information on how to use the project method in the formation of civic competence of deaf and hard of hearing students in grades 5-7

Ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиларининг фуқаролик компетенциясини шакллантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш масаласи таълимнинг умумий мақсад ва вазифалари билан узвийликда ҳал этилади. Фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришда қўлланилувчи методлар, технологиялар ва дидактик воситаларни танлашда айнан ахоборотлашган, глобал трансформация шароитига мос замонавий таълимнинг тамойиллари ва парадигмаларига таянилади. Чунки замонавий таълим шу давр ёшларини ўқитиш, тарбиялаш ва ижтимоийлаштириш мақсадини кўзлайди.

Бугунги кунда замонавий таълимда маҳсулдор таълимнинг фаол метод ва технологиялари кенг қўлланилмоқда. Масалан, муаммоли технология, амалий-фаолиятли методлар, ўйинли технологиялар. Шу каби методлардан бири бу лойиҳа методи.




Ўз-ўзидан қар ва заиф эшитувчи 5-7-синф ўқувчиларининг фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришда лойиҳа методидан фойдаланишнинг комплекс имкониятлари борлиги маълум бўлди.

Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришга дахлдор қуйидаги натижаларга эришилади:

1. Воқеаларга, оилага, саломатликка, маданий анъаналарга, ўз ўлкаси, ватани тарихига, жамият ва сиёсий ҳаётга нисбатан хиссий-қадриятли муносабатни таркиб топтиради. Пировардида оила ва жамият фаровонлигига хизмат қилувчи меҳнатга эҳтиёж ва мотивацияни шакллантиради.

2. Лойиҳавий фаолият орқали турли тажрибаларга асосланган муҳитда тизимли, режали ва воситалар билан бажарилиувчи ҳаракатлар амалга оширилади. Шунинг учун ўқувчиларда ўз ишини режалаштириш ва муайян муддатда ишни бажариш, иш қуролларидан тўғри ва ўринли фойдаланиш кўникмалари шаклланади. Бу кўникмалар ёрдамида бошқа инсонларнинг меҳнат натижаларини кузатиш ва таҳлил қилишга ўрганади. Сўнгра ўз фаолиятини таҳлил қилишга мослашади. Бундан ташқари иш фаолияти ва ўз устида ишлаши учун зарур ахборотларни қидиришни, топишни, қайта ишлашни ва ўринли тарқатишни ўрганади. Айнан шу вазиятга тарбиячилар масъулиятли ёндашиши тақозо этилади. Чунки қар ва заиф эшитувчи ўқувчилар ахборотни узатишда эҳтиёткорлик зарурлигини тўлиқ тушунмайдилар. Маъноси жиҳатдан ижобий кўринса-да, бироқ айрим ахборотлар кодли бўлиб, турли оқимларнинг мақсадли хабарлари бўлиши мумкинлигини англамайдилар. Шунинг учун бу муаммонинг олдини олишда тарбиявий машғулотларда матнларнинг турлари ва уларда илгари сурилган ғояларни ажратишга ҳам ўқувчиларни ўргатиш лозим. Бунда адабиёт ва тарих дарсларида мос ёндашувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ахборот воситаларидан фойдаланганда ҳам ўзига хос фаоллик ва дахлдорлик талаб этилувчи вазиятларнинг моделлари ўқувчиларга кўрсатилиши лозим. Айниқса, бу вазиятда мутассадди ташкилотларга бориш ёки соҳа мутахассисининг маърузасини тинглаш ҳам самарали механизмлар сифатида тақлиф этилди. Ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш орқали ҳам фаол фуқаролик компетенциясига оид ҳаётий моделлар билан ўқувчиларни таништириш мумкин. Фаол фуқаро сифатида бу кўникмалар ўқувчиларни воқеларни кузатишга тайёрлайди. Ахборот маконида одамларнинг ҳаёти ва ҳуқуқий-сиёсий ҳатти-ҳаракатларини кўради. Сабаб-оқибатлар кесимида ўзининг шахсий ҳулосаларини шакллантиради. Ўзини ва яқинларини салбий ахборот исканжасига тушиб қолишдан асрайдди.



Лойиҳа методининг ўқитувчилар учун дидактик, ўқувчилар учун ташкилий-ижтимоий имкониятлари

3. Лойиҳа ҳамкорликка асосланган фаолиятда бажарилади. Шунинг учун ўқувчиларни жамоада ишлаш, коидаларга риоя этиш, муваффақиятга эришишнинг фойдали қадамларини билишга ва уларни қўллашга ундайди. Жамоада кимнинг ўрни ва роли қандайлигини кузатади. Ўз иштирокини баҳолайди. Натижалардан манфаатдор бўлишга ўрганади. Пировардида ўз меҳнат натижаларини баҳолай олади ва келажакда меҳнат бозорида ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан тўсикқа учрамайди. Унда фаол фуқаро сифатида керакли таклифларни тайёрлаш сўралганда ўзидан ўтказган инсон сифатида



объектив таклифларни тақдим эта олади. Демак лойиҳа методи ёки технологияси қар ва заиф эшитувчи 5-7-синф ўқувчиларининг фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моделларини тақдим этишда самарали натижаларни қафолатлайди. Лойиҳа методидан фойдаланиш муаммонинг методик ечимида қандай имкониятга эғалигини шарҳлаймиз.

Расмдан кўриниб турибдики, лойиҳа методи бу ўқитиш ва тарбиялашнинг комплекс имкониятларини таъминлайдиган ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мажмуидир.

Қар ва заиф эшитувчи 5-7-синф ўқувчиларининг фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришда лойиҳа методидан фойдаланишда педагогларнинг фаолиятини ҳам тизимга келтириш ва методик тавсиялар беришга эътибор қаратдик. Чунки машғулот жараёнида лойиҳа методидан фойдаланишда ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг мотивацион, инструкторив, конструктив ва рефлексив босқичлари синовдан ўтди. Лойиҳа методидан фойдаланиш бўйича педагог фаолияти босқичларининг ажратиб берилиши бу жараёнда самарадорликка эришиш имконини берди.

Хулоса қилиб қуйидаги тавсияларни келтирамыз:

- ўқувчиларнинг фаол фуқароликка мотивациялашда лойиҳа технологиясидан фойдаланиш учун, энг аввало, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ кўникма, малакаларини ўстиришга катта эътибор қаратилиши лозим;
- лойиҳа методи ёки технологиясидан фойдаланишда турли иш турлари ва кўргазмалар воситалардан коррекцион-компенсацион йўналганликда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;
- ўқувчиларнинг фаол фуқароликка оид луғатини шакллантириш машқларида плакатлар, серияли расмлар, слайд-шоу ва бошқа турдаги мультимедиа воситаларидан фойдаланиш талаб этилади. Шундагина тақдим этилган ўқув материали ўқувчиларга хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига эришилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. С.Ш.Носиров. “Гражданское воспитание учащихся старших классов на уроках “Права человека””. Душанбе, 2006, 21-б, 4-Б.
2. С.В.Москаленко. “Педагогическая организация воспитания гражданственности в общеобразовательной школе”. Москва, 2007, 24-б, 5-Б.
3. М.Г.Лаварсланова “Правовое воспитание как основа формирования нормативного поведения учащихся в социуме”, Махачкала, 2010, 21-б, 4-Б.
4. Қалбаева. Ҳ. Эшитишида нуқсонли бўлган болалар боғланган нуқсонли ўстириш йўллари. – Т.: «Reliable print», 2010.
5. Қодирова Ф. Қар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг 1-4-синфлари учун талаблар. – Т.: РТМ, 2015.